



МАДАНИЯТ

№17 (152) 29.04.2021 йил

» Фахрийларимиз

Мукофот муборак!



Инсонпарварлик тамойиллари устувор юртимизда барча эзу амаллар эл-юрт тинчлиги, ободлиги, меҳнатсевар халқимиз фаровонлиги мақсадига йўналтирилган. Жамият таянчи, хонадонлар файзи бўлган кексаларимизга кўрсатилаётган эъзозу эҳтиром хосиятли рамазон ойида кўнгилларга янада равшанлик бахш этмоқда.

Шундай хайрли ишларга бош-қош бўлаётган Президентимизнинг 2016 йил 28 декабрдаги фармонида мувофиқ таъсис этилган "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони бу йил бир гуруҳ маданият ва санъатимиз намояндalarига ҳам берилди. Жумладан, Ўзбекистон халқ артистлари Шерали Жўраев, Фаррух Зокиров, Нуриддин Ҳамроқулов, Насиба Абдуллаева ҳамда Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, халқ артисти Баҳодир Йўлдошев ва бошқалар 1-даражали олтин юлдуз нишони билан тақдирланишди.

Дарҳақиқат, элимиз ардоғидаги ҳақиқий санъат кишилари

нуроний ёшида ҳам ҳамон сафда, халқимизга юксак маънавият, маданият ва санъат борасида ибрат бўлиб келмоқда. Нишондорларимизни ушбу юксак унвон, мукофот билан чин дилдан қутлар эканмиз, уларга бундан буён ҳам мустаҳкам соғлиқ, хайрли ишларида омад тилаймиз.

Жорий йилда барча соҳалар бўйича 1-даражали "Меҳнат фахрийси" унвонига сазовор бўлганлар сони 530 кишини, 2-, 3-даражали кўкрак нишони билан тақдирланганлар сони 1 592 нафарни ташкил этди. Бу рақамлар келгуси йилларда янада салмоқли бўлишига ишончимиз комил.

Зеро, шундай юксак унвонга муносиб фидойиларимиз ҳали кўп. Уларнинг тинимсиз фаолияти, заҳматли меҳнатлари жамият тараққиётига, келажак авлод камолотига баракали хизмат қилмоқда...

С.РИХСИЕВА

Ушбу сонда

Санъат ва маданият соҳасининг эртанги куни

2-саҳифада »

Қорақалпоқ санъатининг чинори

3-саҳифада »



Зокировлар сулоласи эътирофи

4-саҳифада »

Кинонинг ижтимоий вазифаси нима?

5-саҳифада »

» Хотира борки, ҳаёт бардавом



Улуғ ғалабага қўшилган улкан ҳисса

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан тобора сафи қисқариб бораётган уруш қатнашчилари ва фахрийлари, фронт орғи меҳнаткашлари, уларнинг оилаларига алоҳида эътибор кўрсатилмоқда. Давлат раҳбарининг жорий йил 20 апрель куни "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларини ўқиб, юрагим ҳаприк кетди. Ва шу кунийёқ ўқувчиларимга санъаткор қаҳрамонлар ҳақида сўзлаб беришга аҳд қилдим.

1941 – 1945 йиллар оғир, даҳшатли келганига қарамай республикамизда маданий ҳаёт давом этарди. Зеро, бундай мудҳиш давларда одамларнинг руҳини кўтариш, ойдin кунларга умид учкунларини сўндирмаслик зарур эди.

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабада санъаткорларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлган. Жумладан, Малик Қаюмов – етуқ кинооператор, Наби Раҳимов – бетақорор санъаткор, халқ артисти ҳам жангу жадалларда мардонавор қатнашган.

Малик Қаюмов уруш воқеаларини, жангчиларимизнинг жасоратини тарих саҳифаларига моҳирона муҳрлади.

Фашизмга қарши қаҳрамонона жанг қилаётган жангчиларни зафар сари руҳлантирган санъаткорлардан яна бири Меҳри Абдуллаева эди. У бир гуруҳ санъаткорлар билан бирга аввал Москвадаги госпиталда,

сўнгра Гавҳар Раҳимова раҳбарлигидаги республикамиз санъаткорлари таркибиде гарбий фронтнинг қизиган ўчоқларида маданий хизмат қилиб, ўзининг ёқимли кўшиқлари билан душманни енгилда жангчиларга мадад бўлди.

Шундай аёллардан яна бири Қашқадарё вилоятидан Жамила Ҳусайнова бўлиб, у бир неча ой Бухорода харбий тайёргарликдан ўтгач, ўзбек миллий бригадасининг тиббий ёрдам ротасида меҳнат қила бошлади. Жамила Ҳусайнова биринчи бор шимолий Дон дарёси бўйида жангга кирди. Шундан кейин жануби-гарбий фронт чизикларида, Украинани озод қилиш учун бўлган жангларда иштирок этди. У урушдаги хизматлари учун жанговар медаллар билан мукофотланди.

Бухоро вилояти мусика театри артисти Раҳима Олимова ҳам санъаткор бўлгани ҳолда жангчилар орасида ўзининг жанговар топшириқларини мардона бажара олиши билан катта ҳурмат топди.

Давоми 2-саҳифада »



Донлар сўзлайди...



Йулга киролмаслигинг, Жиллов тутолмаслигингни билсанг, — Уқиш жонингга оро киради!

Элни куч билан итоатга кўндирсанг ҳам, Куч билан илм отига миндирилмайсан!

— Йўлни тўғри тутсанг, тўқ тутади; Ейишнинг пайига тушсанг, Йўқ этади...

Конфуций

» «Нихол» мукофоти танлови

**Саралаш
жараёнларига
старт
берилди!**



Ўзбекистон истеъдод ва иқтидор эгаси бўлган умидли ёшларга бой мамлакат.

Ўзининг эстрада, мусиқа, мумтоз кўшиқ, ракс ва опера санъати ижрочилиги соҳасидаги маҳорати билан инсонлар юрагига етиб борадиган, ёшларни эзгуликка чорлайдиган, уларни маънавий баркамол инсон қилиб тарбиялашга хизмат қиладиган асарлар яратишда фалонлик кўрсатаётган шундай иқтидорли ёшларни мунтазам рағбатлантириб бориш мақсадида «Нихол» мукофоти таъсис этилган.

Азиз ёшлар, жорий йилнинг апрель-май ойларида танловнинг туман, шаҳар ҳамда июнь ойида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий босқичлари бўлиб ўтади.

Танловда иштирок этиш истигадига бўлган 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган истеъдод эгалари Маданият вазирлигининг ҳудудий бошқармаларига мурожаат қилишлари мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси
Маданият вазирлиги**

» Янги Ўзбекистон ёшлари

Санъат ва маданият соҳасининг эртанги кунни

Маданият вазири Озодбек Назарбеков талаба-ёшлар билан учрашиш, фикр алмашиш, уларнинг эзгу орзулари, келажак режалари ҳақида суҳбатлашиш мақсадида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига ташриф буюрди.

Учрашув аввалида 1-босқич талабалари иштирокида сахналаштирилган Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг «Қора кўёш» драматик достони намойиш этилди. Ёш актёрларнинг маҳоратли ижролари, нигоҳларидаги санъатга бўлган ихлос ва ҳавас, иштиёқ меҳмонларни мамнун этди. Кўтаринки руҳда давом этган учрашувда Маданият вазири талабаларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглар экан, соҳага янги куч, янги гоёлар билан қадам қўяётган ёшларнинг тегран мушоҳадалари, янги-янги гоёлари ва таклифларини эътироф этди:

– Бугунги очик мулоқотимиздан шуни англадикки, ушбу даргоҳда таълим-тарбия олаётган ёшларимизнинг шижоати баланд, қадамлари шахдам, ўз тиланган касбига муҳаббатни кучли, – деди О.Назарбеков. – Бу кутлуғ масканда ёшларга сабоқ бераётган профессор ўқитувчилар, устоз санъаткорлар меҳнати зоеъ кетмаётганининг исботидир. Ёш актёрларнинг сахнада ишонч билан

туришлари, ўзларига юклатилган вазифани бекамму кўст адо этишлари ушбу даргоҳда актёрлик маҳорати бўйича таълим сиёсати тўғри йўлга қўйилганидан дарак бермоқда. Демак, актёрлик санъатининг келажаги ишончли қўлларда.

Очик мулоқот давомида, шунингдек, экологик маданиятни ривожлантириш бўйича Сингапур тажрибасини жорий этиш, жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ҳақидаги мутахассислик дарсларини киритиш, эстрада театрларини ташкил этиш, соҳани ривожлантириш борасидаги гоёлар танлови, хоржий давлатларда тажриба алмашиш учун грант дастурларини эълон қилиш, кутубхоначиликни ривожлантириш мақсадида ёшлар кутубхоналарини барпо этиш ҳақидаги кўплаб таклифлар тингланди.


Маданият вазири катта ва масъулятли ишларни амалга оширишга қодир ёшларнинг таклифу фикрларини тинглар экан, ўртага ташланган муаммо ва камчиликларни ваколати доирасида ҳал



қилишга ваъда берди.

Айниқса, ёшларга ишонч билдириб айтган сўзлари талабалар томонидан олқишлар билан қутиб олинди:

– Талабалик билим эгаллаш учун энг қулай ва меҳнат қилиб чарчамайдиган давр. Ёшлиқда олинган билимлар инсоннинг ҳаёт йўлларини машғал каби ёритиб туради. Билимли одам эса ҳеч қачон хор бўлмайди ва ҳаётда хамиша ўз ўрнини топади. Агарда ёшларимиз мустақил равишда изланиб, замонавий билимларни эгаллаб, уни амалиётга татбиқ эти олсалар, марра улар-



ники бўлади... Сизларнинг юз-кўзларингизга боқиб санъат ва маданиятимизнинг эртанги кунига бўлган ишончимиз мустаҳкамланди. Соҳага навқиронлик, «янги қон» олиб кира олишингиз шубҳасиз. Биз кечаги кун одамимиз, бутуннинг талабларига жавоб беролмаслигимиз мумкин. Майдонга чиқиб келаётган ёшлар эса эртамик да-вумчиларидир. Шундай экан, мукамал илм олиш ва ўз устингизда мунтазам ишлашдан тўхтаманг. Зеро, ҳаёт мураккаблашиб бораверади. Талабалик давридаги имкониятлар эса қайтиб келмайди.

» Халқаро анжуман

2021 йилнинг 15 апрель кунини Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига «Фольклор, тил ва маданият масалаларини илмий ўрганишда фан ва инновациялар уйғунлиги» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.



Фольклор, тил ва маданиятда инновация

Дастурга кўра, иштирокчилар институтдаги инновацион, илмий-ижодий ишлар кўргазмасини кўздан кечиришди. Шундан кейин анжуман ўз ишини бошлади. Халқаро конференцияни Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини ректори, филология фанлари доктори, профессор, ташкилий қўмита раиси Иброҳим Йўлдошев кириш сўзи билан очди.

ZOOM дастури орқали ташкил этилган, дунёнинг Туркия, Россия, Озарбайжон сингари давлатлари, Марказий Осиё минтақасида жойлашган республикалар вакиллари иштирок этган конференцияда институт ректори томонидан «Бахши» сўзи ва унинг этимологияси мавзусида маъруза ўқилди.

Озарбайжонлик филология фанлари доктори, профессор Рамиз Аскер «Хамса» асарининг озарбайжон тилига таржимаси ҳақида ўз фикрларини билдирди.

Шунингдек, анжуманда «Эпик асарда мотивлар тадқиқи», «Методология ва технология универсалных компетенций» (Татаристон), «Искендер Зилкарнейн ве Локман Хекиме ер верен озбек масал ве эфсанелеринин кайнаклари» (Туркия), «Мавсумий маросим кўшиқлари» сингари қатор мавзуларда маърузалар тингланди.

Қизгин баҳс-мунозаларга бой бўлган анжуманда тadbир иштирокчилари томонидан фольклор санъатини илмий ўрганиш масалалари, тилшунослик ва бадий матн тадқиқининг долзарб муаммолари, маданий мерос ва таълим тизимининг илмий-инновацион ёндашувлар каби мавзулар муҳокама марказида бўлди.

С.ЖУМАЕВ,

ЎзДСМИ илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор

» Давоми. Боши 1-саҳифада

Улуғ ғалабага қўшилган улкан ҳисса

Мен бугун ракс санъати даргалари, бизнинг бевосита устозларимиз ҳақида ҳам ҳикоя қилмоқчиман. Зеро, раққосаларимиз ҳам Буюк ғалабага ўз ҳиссаларини қўшганлар.

1906 йил 29 март кунини Марғилонда арман оиласида дунёга келган Тамара Петросова ўзи ўйламаган ҳолда Ўзбек халқининг севили қизи, машҳур раққоса, Ўзбек миллий рақси ва лапарларининг моҳир ижрочиси, Ўзбекистон халқ артисти, Улуғ ватан уруши иштирокчиси капитан Тамарахонимга айланди.

У Юсуфжон қизик бошчилигидаги ансамбль билан жангчиларнинг руҳини кўтариш учун совуқ оқолларда, оч-наҳор ҳолда концерт берган. Ўз она тилидаги қўшиқларни эшитиб, рақсларни томоша қилган жангчилар янада руҳланардилар.

Жангчилар ҳузурда мингдан ортик концерт намойиш этган Тамарахоним хатто шахсий маблағини ҳарбий танк ва самолётлар қурилишига сарфлаган.

Яна бир санъаткоримиз, Ўзбекистон халқ артисти, раққоса, балет артисти, хореограф, моҳир педагог ва етук олима Розия Каримова ҳам жанг майдонларида концерт бериб, жангчиларни ғалаба сари ундаган жасур аёллардан эди. У ўзбек рақсига

оид асарлар, услубий ўқув қўлланмалар муаллифи. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати, «Эл-юрт хурмати ордени» билан мукофотланган.

Зебо Ганиева эса 1937 йилда ўзбек филармониясининг хореография бўлимида, сўнг 1939 йилдан Москвада ўқир экан, уруш бошлангач, аввал ҳамшира, кейин разведкачи бўлиб, 16 марта разведкага борган. У ҳарбийликка ҳам ўқиб, уста снайпер бўлди. Аслида санъаткор, аммо биринчи ўзбек снайпер қизи 129та фашистни ер тишлатган. Ижевск шаҳрида госпиталда ётганида ҳамшаҳар санъаткорларни учра-тиб қолади ва бир кечада Зебога бағишлаб «Зебихоҳ» деган кўшиқ ёзилади (Фахриддин Содиков мусикаси, Бобораҳим Мирзаев сўзи). Уруш тугагач, она юртига омон-эсон қайтиб, бир қанча орден ва медаллар билан тақдирланади.

Санъатни севган Зебо 1945 йилда суратга олинган «Тоҳир ва Зухра» фильмида Хоразм маликаси ролини моҳирона ижро этди.

Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Раҳимова (Гоар Петросян) эса Ўзбек давлат филармонияси раҳбари, «Лазги» ансамблининг ташкилотчиси эди. Уруш йилларидаги 1200дан ортик концертлари билан

ғалабага муносиб ҳисса қўшган Гавҳар Раҳимова уруш ва урушдан кейинги йиллар мобайнида Ўзбекистон халқ артисти сифатида фаолият юритиб, Хоразм «Лазги» ансамблига 1958 – 1982 йиллар мобайнида бадий раҳбарлик қилади. Ўзининг кўп йиллик хизматлари эвазига «Эл-юрт хурмати ордени» соҳибаси бўлади. 2000 йилда онахонинг 90 йиллик тўйи ўзи камол топган Марғилонда кенг нишонланди.

Ўзбекистон халқ артисти, моҳир раққоса, педагог Гулнора Маваева ҳам Тамарахоним номидаги балет мактабида ўқир экан, болалик чоғиданок уруш машаққатларини бошидан кечирди. Ун ёшли қизалоқ пойтахт опера ва балет театрида умумий сахналарда иштирок этар, сўнг ўртоқлари билан мактаб ва театр балет студияси орасида жойлашган ҳарбий госпиталга қатнаб, ҳар кун ярадор солдатларга кўмаклашиб, жонларига оро кирарди. Кечқурунлари эса кичик концертлар бериб, ярадорлар кўнглини кўтарарди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон халқ артисти, моҳир педагог, бетақдор классик ва миллий раққоса ижрочиси Гулнора Низамовна меҳнат нафақасида бўлишига қарамай унинг хонадонидан шоғирдлар қадами узилмайди, улар ижоддаги ҳар бир қадамларини устоз билан бамаънаҳат, ўғитларида илҳомланиб олиб борадилар. Биз муҳтарам устоз, ракс санъати арбоби, тиниб-тинчимас жонқуяр инсон Гулнора опага саломатлик тилаймиз, умрлари узоқ бўлсин.

Бугун хореография мактабида ишлаб, ижод қилган юзлаб устозлардан бир нечалари ҳақида эслаб ўтдик, лекин ёш авлодини санъатевар қилиб тарбиялашга муносиб ҳисса қўшган ва қўшаётган устозларимиз ҳам доимо ёдимизда. Улар ҳақида дарсларимиз, суҳбатларимиз, тарбия соатларимизда тез-тез эслаб тураимиз ва қанча гапирсак шунча оз деб биламиз!

Зеро, «Хотира борки, ҳаёт барҳаёт»

Замира ЮСУПЖОНОВА,
Республика хореографияга
ихтисослаштирилган мактаб-
интернати ўқитувчиси



Муҳаммад Юсуфни
ед этиб...

**Ватанни
куйлаш
саодати**



26 апрель куни Андижон шаҳрида ўзбек шеърятининг эркин намояниси, Ўзбекистон халқ шоири, ватанининг оташин куйчиси Муҳаммад Юсуф таваллудининг 67 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди. Унда вилоят ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, меҳнат жамоалари ҳамда аҳоли ва ёшлар катнашдилар.

Ардоқли шоирнинг ижодий фаолияти ҳақида меҳр-муҳаббат билан сўзлаганлар унинг шеърлари-

ни ҳам ҳаяжон билан ўқиб беришди. Юракларни ларзага солган шеърий лаҳзалар шоир шеърлари билан айтиладиган дилрабо куй-қўшиқларга уланб кетди. Кечада намойиш этилган аждоий концерт дастурида Андижон вилояти маданият бошқармаси, "Ўзбекконцерт" эстрада бирлашмаси хонадалари, пойтахтдан ташриф буюрган танқиди санъаткорлар ва Ўзбекистон давлат филармонияси Андижон вилояти бўлими хонанда ва созандалари, раққосалари ўз чиқишлари билан барчани хушнуд этишди.

Ижодга бахшида умр

Қорақалпоқ халқининг бетақдор маданияти билан санъати доимо дунё аҳлини лол қолдириб келган.

Бу эл ўзига хос урф-одатлари, куй-қўшиқлари, ижрочиларининг ёқимли овози билан бошқа халқлардан ажралиб туради. Маданият ва санъатнинг бугунги ривожига эса тинимсиз меҳнат қилган санъат даргаларининг хизматлари беқиёс. Шулардан бири қорақалпоқ мусиқа санъатининг сардори, танқиди бастакор, беназир ижодий маҳорати билан миллий мусикамизни кўз-кўз қилиб келатган қорақалпоқ мусиқа санъати классиги, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон санъат арбоби, давлат мукофотлари лауреати, "Меҳнат шўхрати" ва "Эл-юрт ҳурмати" орденлари соҳиби Нажимеддин Муҳаммеддиновдир.

Қорақалпоқ санъатининг чинори

Устоз фақат бастакор бўлибгина қолмай, тажрибали дирижёр, фортепиано, скрипкачи виртуоз созанда, таникли маданият ва давлат арбоби ҳамдир.

У 1986 - 1999 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазириликда сал кам ўн беш йил раҳбарлик қилиб, халқимиз санъати ва маданиятининг ривожланишига муносиб хисса қўшди. Бугун биз Нажимеддин Муҳаммеддиновнинг соҳага бошчилик қилган йиллари амалга оширган ишлари тўғрисида сўзламоқни маъқул кўрдик.



Қорақалпоғистон маданияти тарихида биринчи қорақалпоқ симфонияси, биринчи опера, биринчи балет ва Қорақалпоғистон Республикаси давлат Мадҳиясининг муаллифи (бастакори), қорақалпоқ опера ва балет санъатининг асосчиси, миллий ва классик бастакор сифатида танилган Нажимеддин Муҳаммеддиновнинг ижоди серрира. У қорақалпоқ мусиқа санъатининг ўзига хос мактабини яратган бастакор. Шунингдек, моҳир ташкилотчи раҳбар, дирижёр ва республикамизнинг маданияти, санъати, адабиётини ривожлантиришга жонкуярлик қилган юрт фарзанди.

У Қорақалпоғистон маданият соҳасини бошқарган йиллари санъатнинг барча тармоқларига бирдек эътибор қаратди. Соҳани янги, олий маълумотли кадрлар билан таъминлаш масаласи эса мудом унинг диққат марказида бўлди.

Бугунги кунда қорақалпоқ маданияти ва санъати соҳасида устоз даражасига етишган, эл ардоғидаги ижодкорлардан: таникли дирижёр Курбанбай Заретдиновни Санкт-Петербург консерваториясига симфоник оркестр дирижери бўлимига, Толибек Хожаназаровни вокал бўлимига, Ваъдетдин Баймурзаев, Бердибай Утебаев ва Турдибай Хожасовларни Москвадаги икки йиллик режиссёрлик курсига, Роза Кутекеева, Абат Қаллиев, Элиза Айтннйазовларни Тошкент консерваториясининг вокал бўлимига ўқишга юборди.

Соҳада ўз йўлига эга, ижодий ранг-баранг янги драматурглар, режиссёрлар, балетмейстерлар билан тўлган театрлар йирик асарларни сахналаштириш имкониятига эга бўлди. Шунингдек, ҳозирги академик театرنинг штат бирликлари кенгайтирилди, уларнинг сони 308га етди. Янгидан балет труппаси, хор жамоаси очилди. 1981 йилда филармонияда ташкил этилган симфоник оркестр 1989 йилда театрга ўтказилиб, катта сим-

фоник оркестрга айлантирилди.

Нажимеддин Муҳаммеддинов вазири бўлиб ишлаган йиллари қардош халқлар ўртасида маданий, адабий, дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. 1991 йилнинг декабрь ойида Алматы шаҳрида "Қорақалпоқ маданияти кунлари"ни муваффақиятли ўтказди. Бу сафарда унга театр ходимлари, "Қорақалпоқфильм", "Эркин Қарақалпоқстан" газетаси ва радиоси, телевидение мухбирларидан иборат 200 кишилик катта ижодий жамоа ҳамроҳлик қилди. Ушунда Абай номидаги опера ва балет театрида "Ажинеъ" операси, "Ғариб Ошиқ", "Суймаганга суйкалма" мусиқали драмалари, "Номи ўчсин", "Келин", "Умирбек ва Тазша" спектакллари билан яқиний концерт дастури тақдим қилинди. Мазкур сафарни бугун кекса авлод вакиллари ўзгача ҳаяжон, ўзгача қувонч билан эслашди.

Шунингдек, устознинг сазй-ҳаракатлари ва раҳбарияти қўллаб-қувватлови билан 1992 йили иқтидорли қорақалпоқ бахши-жировлари, санъат усталаридан иборат делегация Киев шаҳрида Наврўз умумхалқ байрамини ўтказиб, миллий урф-одатларимизни, санъатимизни дунё халқларига танитиб қайтдилар. Бундай ижодий гастроллар Москва, Туркменистон, Тошкент шаҳарлари ва бошқа қардош элларда ҳам юқори савияда ташкил этилди.

Маълумки, қорақалпоқ бахшичилик ва жировчилик санъати бошқа халқларникига ўхшамаган. Нажимеддин оға соҳага бошчилик қилган йиллари бу хунарларни ёшларимизга ўргатиш, уни давом эттириш, келажак авлодга етказиш масаласини бош вазифа санади ва бир кун ҳам буни эсидадан чиқармади. Натигада вазирилик ёнида Республика маънавий-маърифий ва маданий маркази ташкил этилди. Марказ республика миқёсида турли танловлар, маданий кечалар, шаҳар ва туман маданият уйлари фаолиятини ривожлантириш бўйича турли тадбирлар ташкил этиб борди. Айтиш жоизки, устозимиз Нажимеддин оғанинг ташаббуси билан Қорақалпоғистонда таникли бахши-жировлар, талантли санъат усталарининг юбилей кечалари, уларнинг номига турли танловлар ташкил этишни йўлга қўйди.

Уша пайтларда дастлабкилардан бўлиб А.Шамуратова, Д.Қайыпов, З.Хожаназарова номидаги халқ иқтидорларининг танловлари, Қ.Қайратдинов, Ж.Шамуратов, Е.Қосполатов, А.Хожалепесов номидаги бахши-жиров, созандаларининг илк хуудий, сўнгра республика босқичлари юқори савияда ўтказилди. Бу танловларда ёш иқтидор эгалари, халқ орасидан чиққан ҳаваскор ёшларнинг иштирок этиши йилдан-йилга ортиб борди. Бундай санъатга меҳри ўзгача ёшларимизнинг келажакда тажрибали мутахассислар бўлиб етгишиб чиқишини таъминлаш мақсадида Нажимеддин оға 1992 йили ўша пайтдаги Маданият ва санъат коллежида (ҳозирги Нукус ихтисослаштирилган маданият мактаби) янги бахши-жи-



ровлар бўлимини ташкил этишга эришди. У ерда таникли бахши-жировлар, созанда эшларга таълим-тарбия бериб, санъатнинг алвон турли сирларини ўргатишди.

Мана, шундан буён санъатга ихлоси баланд кўпчилик ёшларимиз қорақалпоқ бахшичилик ва жировчилик санъатини эгаллаб, бугунги кунда жаҳон сахналарида халқимизнинг бетақдор миллий санъатини дунё халқларига танитмоқда.

Ў.Утемуратов, Т.Қаллиев, Б.Сиримбетов, Г.Алламбергенова, З.Шерипова сингари кўпчилик бахши-жировларимизга халқимизнинг ҳурмати баланд. Бугунги ёш бахши-жировлардан: Г.Аҳимбетова, Ж.Пиязов, С.Аяпов, Л.Махаматдинова, А.Бахтибаев, З.Нуратдинов, Д.Нуратдинова, Қ.Сейтмов сингари ёшларимиз фахримизга айланди. Шу ўринда айтиш жоизки, устоз санъаткор соҳага бошчилик қилган пайтлари қорақалпоқ бахшичилик ва жировчилик санъатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб, уни чет элларга танитиш мақсадида Ж.Базаров, Т.Қурбанов, Г.Алламбергенова, З.Шерипова сингари иқтидорли бахши-жировларимизни хорижий ижодий сафарларга боришини йўлга қўйди. Бугун ўша пайтлардаги ниятлар амалга ошиб, Президентимиз томонидан бахшичилик ва жировчиликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Нукус шаҳрида Опера ва бахшичилик санъати мактаби очилиб, жорий йилда Ўзбекистон давлат консерваториясининг Нукус филиали фаолият бошлаш олдига турибди. Аҳамиятлиси, жорий йилда азалдан бахши-жировлар эли бўлиш Қорақалпоғистонда II Халқаро бахшичилик санъати фестивали ўтказилиш арафасида.

Қорақалпоқ кўшиқчилик санъатининг тарихи ҳам, таърифи ҳам бир дoston. Н.Муҳаммеддинов замонавий қорақалпоқ миллий эстрада кўшиқчилигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди. Натигада 1998 йили Маданият ва санъат коллежида эстрада бўлими ташкил этилди. Бугун мазкур бўлимин тамомлаб, қорақалпоқ эстрада санъатини ривожлантириш йўлида ижод қилаётган ёшларимиз талайгина.

Нажимеддин оға доимо қобилиятли ёшларни қўллаб-қувватлайди. Иқтидорларини ҳар томонлама рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган Зулфия номидаги ва "Ниҳол" давлат мукофотларининг муносиб эгаларини тарбиялади. Улардан: С.Аннақулова, Р.Хожасов, Г.Бекчанов,

Г.Утепова, О.Акимбаев сингари ёшларимизни мудом руҳлантириб, улар ижодини ривожлантиришга йўл-йўриқлар кўрсатиб келмоқда.

Раҳбарлик - катта масъулият. Ундан соҳир ташкилотчилик, зукколик, юқори савия, билим ҳам талаб қилинади. Нажимеддин оға фаолиятида ҳам мана шундай хусусиятларни ўзида мужассам этган кенгфёъл, ғамхўр раҳбар бўлди. Соҳанинг ҳеч бир йўналишини назардан четда қолдирмади. Шаҳар ва туман маданият уйлари фаолиятини янада такомиллаштириб, турли тўғарақлар иш бошлади. Бу ерда ташкил топган халқ жамоалари, халқ театрлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга диққат қаратди. Муваффақиятлари мўл ижодий жамоалар "халқ ансамбли", "халқ театри" мақомларини олишида устозимиз тинимсиз ҳаракат қилди.

Нажимеддин оға: "Мен қандай лавозимда ишласам ҳам, бастакорликдан қўл узмайман..." деган сўзида туриб, қаерда, қандай лавозимда ишласамин ижоддан йироқлашмади. Халқимизнинг маданий дастурхонини ранг-баранг, ноёб асарлар билан бойитиб борди. Таникли композитор мусиқа оламининг барча жанрларида бетақдор асарлар яратди. Пианинонинг оқ, қора клавишларида тинимсиз ўйнаган бармоқлар, Ватан меҳри, пок муҳаббат билан суғорилган кантаталар, ситалар, пьесалар, балладалар, мусиқали комедиялар, романслар, ариялар, ариозлар, рақслар бугун ҳар битта ватандошимизнинг қалбидан теран жой эгаллаган. У саксонинчи баҳорда ўзининг "Гулолий" операсини ёзиб, халқимизга тақдим қилди.

Бугунги кунда 85 ёшга келса ҳам, Қорақалпоғистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасига расмлик қилаётган Нажимеддин оғанин кексаликка бўйин эгмай шундай даражага етишида тақдир йўлларини туташтириб, уни мудом қўллаб-қувватлаб келатган умр йўлдоши, иқтидорли бастакор, маданият ва санъат жонкуяри, билимдон, ёши улуг опарларимизнинг сардори Абадан опа Сапарованингни ўрни беқиёс. Абадан опа қорақалпоқ аёл-қизларидан чиққан илк бастакор, оила бекаси, меҳрибон она, жамоат ишларида фаол аёл. Бугунги кунда "Олтин мерос" фондида раҳбарлик қилиб келмоқда. Опамизнинг жамоат ишларидаги фаоллиги, миллий кадрларимиз жонкуяри сифатида олиб бораётган ишларининг ўзи бир дoston.

Қорақалпоқ санъатининг чинори, катта оилабоши бўлган Нажимеддин Муҳаммеддиновга ижодий ишларида зафарлар тилаймиз. Аллоҳдан оғамиз билан опамизга биргаликда узок йилларни босиб ўтиб, бахтли кексалик давронини суришларини сўраймиз.

Қалбай ТУРДИЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
Маданият вазири,
Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими



▶ Гастроль

Ёшлар театри жамоаси Сурхондарёда



19 апрель тонгида Андижон темир йўл вокзалидан йўлга чиққан вилоят Ёшлар театри жамоаси Сурхондарёнинг Термиз шаҳрига етиб келишди.
– Мақсад давлат раҳбари томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус ижросини таъминлаш ҳамда ёшларнинг маънавий камолотини юксалтириш, театр санъатига бўлган қизиқишларини оширишдир.
Гастроль давомида Сурхондарё вилоятида жойлашган 54831, 18299 ҳарбий қисмларда, халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институти ҳамда

муסיқали драма театрларида “Кўёв ҳамда гаройиб хангома” комедик спектакли намойиш этилди.
Мазкур ташаббус нафақат томошабинлар руҳиятини кўтариш, балки театрларнинг ўзаро фикр ва таъжирба алмашишига ҳам хизмат қилади.
Ташриф давомида Андижон вилояти ёшлар театри директори Бекзод Хамидов ҳамда Сурхондарё вилояти муסיқали драма театри директори кейинги фаолиятларида вилоятлараро таъжирба алмашишга келишиб олишди.

Ҳасанбой ҚОСИМОВ

▶ Танқид ва таҳлил

Санъат инсонни тарбиялайдими? Унинг шахс тарбиясига дахлдорлиги борми? Бугун шунга ўхшаш саволларга ҳар қадамда дуч келяпмиз. Ҳатто, “Тўғри берилган ўн беш, йигирма йиллик тарбия бир-икки соатлик томоша билан бузилмайди”, деган тушунчани илгари сураётган тоифалар ҳам шаклланмоқда. Ачинарлиси, буни қарсақлар билан олқишлаётганлар ҳам кам эмас.

Кинонинг ижтимоий вазифаси нима?



Санъатнинг ҳам худди физика қонуни сингари қонуни, географик теорема сингари теоремаси бор. У ҳам инсондаги энг эзгу хислатларни тарбияламоғи, ёвузликка нисбатан нафрат уйғотмоғи, эртанги кунга бўлган ишонччи шакллантирмоғи даркор. Шундай экан, барча санъат турларининг синтези бўлган кино ҳам бундан мустасно эмас.

Айни пайтда кино – курул, курул бўлганда ҳам дахшатли курул. Чунки, бугунги глобаллашув даврида манавиятга, миллий мафқурага таҳдид сояиб сабин ортиб бормоқда. Кўрқинчли жиҳати, улар ўзларининг қабих ғояларини кинода силлик қилиб, асталик ва усталик билан, сериалларда эса майда-майдалаб жамият онгига сингдиб юборишгапти. Бу гўёки, инсонга аста-секин таъсир қиладиган оғуни зарраларга бўлиб бергандек гап. Уша “зарра”ларнинг салбий таъсири эса аллақачон ўёки бу шаклда жамиятимиз орасида намоён бўлмоқда.

Фожиа шундаки, бир бизнинг миллат эмас, балки бугун инсоният учун инсоид бўлган иллатларнинг кенг кулоҳ ёйиб, унга оддий ҳол сингари қаралаётганидир. Негаки, биз ҳар қуни шунга ўхшаш ўнлаб воқеаларни ижтимоий тармоқларда, турк ва хоризқ фильмлари, сериалларида кўравериб ҳеч қандай ҳадиксиз ҳазм қилиб юборадиган даражага келиб қолдик. Сўзимизни турк кино ижодкорлари томонидан суратга олиниб, “Севимли” телеканалда намойиш қилинган “Қора ният” сериалининг баъзи бир жиҳатлари билан давом эттирсак.

Ҳалид исмли қаҳрамоннинг тўрт нафар фарзанди бор. Турковнинг ҳам отаси бир-у, онаси бошқа. Бу ҳам майли, бир пайтлар янғасининг эри бўлган қаҳрамонимиз орада қайсинигиси билан ҳам аҳди-паймон қилишга улгуради. Янга тушмагур ҳам сериалининг кейинги қисмларида Қая исмли илк муҳаббат билан турмуш қуради. Натигада икки аёл бир уйда яшай бошлади. Сирдан қарасангиз, ҳаммаси рисоладагидек, бир том остида яшаб, бир дастурхон атрафида ўтириб, иккаласи ҳам бир-бирига чоғ қазиб билан овора. Сериалдаги барча воқеалар ёлгон, алдов, хиёнат ва фитна каби энг чиркин иллатларга қурилган. Қаҳрамонлар талқинида эса иккиюзламачилик ва мунофиқликнинг ўта оила даражаси тарғиб қилинади. Айнан, бундай мисолларни турк сериалларидан сон-саноксиз келтириш мумкин. Опа-сингилнинг қаллигига кўз олайтириши ёки аксинча. Гоҳо укасига жуфти ҳалол бўлмаган деб турган қизнинг акасига кўнгил қўйиши талқинидаги саҳналарни бугун бизнинг томошабин қандай қабул қилапти? Эртанга бунинг натоқаси қандай бўлади? – деган саволларни кўндаланг кўйиши ўрнига, юқоридаги каби мавзу, ғояларни дастуриламал қилиб, ўша ўзанда сузаётганлар, минг афсуски, ўзбек киносидида ҳам буй кўрсатяпти.

“Татаркино” агентлиги билан ҳамкорликда режиссёр Рашид Маликов томонидан суратга олинган “Сумбул” фильми сюжетини да айнан биз юқорида тилга олган ҳолатларга эргашиб яққол сезилади. Фильмдаги Сумбул исмли қизга аввал Булат деган йигитнинг уйланиши ҳамда параллель равишда бошқа бир қиз билан ишқий хантомасини давом эттириши туфайли Сумбул қўлида чақалоғи билан Бухорога, тоғасининг олдида келади. Бироз вақтдан сўнг Булатнинг укаси янғасини излаб боради. Мелтонинг эса бўлган воқеалардан хабардор қизнинг тоғаси оила аъзолари билан бирга гўё эски бир кадрдонини қаршилагандай қутиб олади. Тўғри, бўлган ишларда йигитнинг айби



йўқ. Аммо унинг акаси сабаб жияни туғилган жойидан, муштипар онасидан олисда қўлидаги чақалоғи билан ёлғиз қолгани маълум. Мантиқан олиб қараганда, шу картинада Сумбулнинг тоғаси ёлғиз жиянининг ҳимоячиси сифатида мавжуд вазиятга реакция билдириши керак эди.

Бироз фурсатдан сўнг йигит собиқ янғасининг ҳолидан, жажжи жиянининг аҳволидан хабар олишга эмас, балки унга уйлангани келгани ондинлашди. Мақсадига эришади ҳам, табиийки, ёш оила фарзандли бўлади. Аёлини, фарзандини ҳамда жиянини олиб, йигит Татаристонга қайтади. Ака-укалар ва собиқ эр-хотиннинг учрашувидаги ҳолат қаҳрамонлар талқинида худди табиий бир жараёндай ёритилади. Тўғри, бизни тарихимизда ва “Муҳаббат можароси” (Шўҳрат Аббосов), “Сўнгги ўқ” (Ҳайбатилла Аллев), “Илҳақ” (Жаҳонгир Аҳмедов) фильмларида шундай воқеалар мавжуд. Бироқ ҳар икки фильмдаги қаҳрамонлар ҳолати бир-биридан буткул фарқ қилади. Ижодкорлар юқоридагиларни ҳаспўшлаш учун ёки танқидий фикрлардан ҳимояланиш мақсадида уканинг асраб олинганлигидан қалқон сифатида фойдаланмоқчи бўлишган. Аммо бу драматургияга шу даражада жўн киритилганки, айбдор талабанинг баҳонасидаги сюжет воқеаларидан бўртиб турибди.

Биз юқорида таъкидлаб ўтганлар бир қарашда экрандаги оддий бир ҳолат. Сизга, бизга мутлақо алоқаси йўқдай. Аммо тантаннинг иккинчи томонидан назар ташласак, бу бир тарғиботга, чорловга ўхшаб қолмаяптими? Ақлини танитган, оқу қорани билган ёшдагилар кўрмас, кўрса ҳам, адашиб тушган кўнгирик сингари унутиб юборар. Лекин бугун камолот оstonасида турган, маънавий тушунчаси тўла шаклланиб ултурмаган ёшларчи, улар кўрган нарсасини мустақил таҳлил қилишга қодирми? Кўзни қувонтирадиган зангори экрандаги намойишни идеал дея қабул қилмайди, деб ким кафолат бера олади? Нега бугун ўзидан бошқани ўйламайдиган, бир тарафлама қараш билан қарорлар қабул қиладиган, фақатгина “мен” деган тушунча билан яшайдиганлар кўпаймоқда? Чунки, улар кўраётган кино, сериаллар физик фасод, этностик кайфият билан етарлича, обдон суғорилган. Умумининг дарди шахсга эмас, керак бўлса, ўз дардини умумга кўчиришга интиляётганлар тоифаси урчиб бормоқда.

Тарихдан маълумки, кўпчиликнинг дарди шахсга кўчиб, қаҳрамонлар пайдо бўлган ва улар ҳақида умрбоқий фильмлар ишланган. Бунга Мелис Абзаловнинг “Суюнчи”, Баҳодир Одиловнинг “Қарздор”, Жаҳонгир Қосимовнинг “Сув ёқалаб” каби фильмларини мисол қилиб келтириш мумкин. Бу фильмлардаги қаҳрамонларнинг барҳаётлиги улар ўзи эмас, ўзгалар дарди билан яшаганлигида. Бундай кинолар ҳар бир инсонни нима учун яшаётганлиги тўғрисида ўйлашга, умуминсоний фазилатлар ҳақида чўқурроқ мулоҳаза юритишга чорлайди. Агар томошабин тўғри хулоса чиқара олса, қунадалик ташвишлар билан ўралашиб, ҳаётнинг ушогига айланиб, йўқ бўлиб кетмасликка, юқорироқ чўққиларни, олий мақсадларни кўзлаб яшашга ундайди.

Жамият доимо бундай фильмларга эҳтиё сезган. Айниқса, бугун унинг ижтимоий вазифаси, долзарблиги яна бир қарра ошгандай. Демак, кинонинг шахс камолотидаги ва жамият таракқийетидаги аҳамияти беқийсдир!

Шўҳратбек ИСЛОМОВ,
ЎзДСМИ “Кино санъати танқиди ва таҳлили” 3-босқич талабаси

▶ Фолиблик нашидаси



Зокировлар сулоласи эътирофи

Илик ва сокин оқшом. Ёқимли муסיқа ва унга ҳамоҳанг жўшқин тароналар. Она-табиат инъом этган гўзаллик қўйнида, очик осмон остига ўрнатилган, чироқлар билан бойитилган мухташам саҳна. Тарихий иншоот эса бугун жонлангандек. Ўз бағрида азиз меҳмонларини қарши олаётганидан мамнун. Кувончга тўлган чехраларда хуш кайфият намоён, муборак кунларга етказганига шукрона айтиб ташриф буюрганлар бир-бири билан дийдорлашмоқда.

Бир томонда фолиблик нашидасидан қалби ҳаяжонга тўла иштирокчилар, уларни қутлаш учун ташриф буюрган ота-оналар, бошқа томонда нуфузли тадбирни ёритишга ҳозирланган журналист ва блогерлар. Камералар тасвирга олишга шай. Саҳнадаги оркестр жамоаси эса жонли ижрога ҳозир.

Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокировнинг хотирасига бағишланган “Ботир Зокиров санъати давомчилари” республика кўрик-танлови фолибларини тақдирлаш маросими худди шундай бошланди.

Истеъдодли актриса Дилноза Кубаева ҳамда актёр Рихситилла Абдуллаевнинг жарангдор овозлари янгради. Сўз Маданият вазирининг биринчи ўринбосари Жамол Носировга берилди. Ундан сўнг Ўзбекистон халқ артистлари Фаррух Зокиров ҳамда Насиба Абдуллаеванинг илиқ ва самимий тилаклари янгради.

Ҳаяжонли лаҳзалар бошланди. Кўрик-танлов фолиблари бирин-кетин эълон қилинди.

Жумладан, 3-ўринга:
Мамадалиев Камрон Улғубек ўғли (Наманган вилояти)
Жафарова Диёра Фарҳодовна (Самарқанд вилояти)
Тоғаев Жаҳоир Учқун ўғли (Қашқадарё вилояти)
2-ўринга:
Муродов Жамол Истам ўғли (Бухоро вилояти)
Ҳакимова Малика Рустамовна (Тошкент вилояти)
Энг юқори балл тўплаб, 1-ўринга
Сайдалиев Умаршоҳ Искандар ўғли (Жиззах вилояти) сазовор бўлишди.

Ушбу кўрик-танлов илк бора ташкил этилган бўлиб, унда 16 ёшдан 28 ёшгача бўлган ижодкор ёшлар қатнашишди. Танловнинг туман, шаҳар босқичларида жами 2386 нафар истеъдодли ёшлар иштирок этиб, улардан 439 нафари Қорақалғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида йўлланма олишди.

Вилоят босқичларида муваффақиятли иштирок этган ижодкор ёшлардан 50 нафари якуний республика саралаш босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган эди. Уларнинг энг муносиблари тақдирлаш маросимида фолиблик нашидасини ҳис қилишди ва уларнинг ҳар бирлари машҳур хонанадилар билан дуэт қуйлаш бахтига муяссар бўлишди.

Фолиблар Маданият вазирлигининг эсдалик совғалари ҳамда ўн беш миллион сўмгача пул муқофоти билан тақдирландилар.



Табир

“Мақом – миллий санъатимиз дурдонаси”



22 апрель куни Фаргона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш ҳамда ёшлар қалбига ўзбек миллий санъатига, хусусан, мақом йўналишига меҳр туйғуларини янада ошириш мақсадида “Мақом – миллий санъатимиз” номли маданий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Унга Фаргона давлат университетининг “Санъатшунослик” факультети музикаий таълим йўналиши катта ўқитувчиси А.Нурмухаммадзонов ҳамда унинг “Маърифат сарчашмалари” ансамбли меҳмон сифатида таклиф этилди. Тадбирда 2-мактаб ўқувчилари ва музеей ходимлари қатнашди. Тадбирни музейнинг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари К.Сатторов очиб берди.

Кечани олиб борган Д.Хасанбоева ўз чиқишида “Фаргона санъаткорлар юрти” мав-

зусига тўхталди. Меҳмон А.Нурмухаммадзоновга сўз берилганида, у “Мақом – миллий санъатимиз дурдонаси”, “Мақом санъатида миллий ҷоғуларнинг ўрни” мавзуларида маъруза қилди.

“Маърифат чашмалари” ансамбли томонидан мақом йўналишида ижро этилган мумтоз куй-қўшиқлар эса тадбирга ўзгача кўтаринки руҳ бағишлади. Кеча сўнггида мактабнинг музика факультетчи Ф.Қанатаева барча ташкилотчиларига ўз миннатдорлигини билдирди.

29 апрель – Халқаро рақс кун

Умрбоқий санъат

Тарихдан маълумки, санъат ва маданият башарият таракқиётининг муҳим омилларидан бири. Санъатлар ичида энг нафис ва ёқимли ҳисларга бойи эса бу – рақс санъати. Рақс – раққосанинг гармоник тана ҳаракати ва ҳолатлари, пластик ифодавийлиги ва юз имо-ишоралари, ритм, темп, композиция орқали образ яратиш рақснинг асосий воситасидир. У инсоннинг меҳнат жараёни ва эмоционал таассуротлари билан боғлиқ ҳолда юзага келган. Рақс асрлар давомида такомиллашиб, барқарор шакллarga эга бўлиб борган.

Халқ рақсларида ритм муҳим бўлиб, у музикада ўз ифодасини топади, оёқ, қўл, бош ва тана ҳаракатлари умумий ритмга бўйсунди, бир-бири билан боғланади. Ижрочилар ўзбек рақслари мазмунини ифодалашда тепки, қарсақ, зангдан ҳам фойдаланадилар. Айрим рақслар рўмол, пиёла, қадаҳ каби буюмлар билан ижро этилса, бошқаларида ижрочи халқ ҷоғулари (қайроқ, доира, ноғора каби)га жўр бўлади. Шарқда қўл ва тана ҳаракатлари пластик ифодавийликнинг асосий воситасидир. Саҳнавий рақслар халқ ижодида таънади, унинг мероси ва ўзига хос фазилатларини сақлайди ва ривожлантиради.

Бу санъат тури, айниқса, темирлар даврида равақ топган. Олов атрофидаги, Анахита ва Рустам тимсолларига бағишланган ўйинлар, мақом рақслари, “Аргуштак” каби рақслар шулар жумласидандир. “Муножот”, “Тановор”, “Лазги” рақслари ҳам айнан шу даврда малакали ижрочилар дастуридан мустаҳкам ўрин олган. XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI аср бошида Саййид бадр, Тохир чакча, Моҳчучук, Мақсудали, Катта Моҳ, Кичик Моҳ лақабли рақс усталари шуҳрат қозонишган. Бу даврда рақс санъати халқ рақси ва малакали рақс йўналишида ривожланди.

Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари вужудга келгач, рақс санъатида ҳам ўзига хос услублар майдонга келди. Бу даврда жаҳолат, муттасиблик кучайгани боис рақс санъатида ўсмир болалар ва йигитлар етакчилик қилган. Аёллар рақси эса созанда (Бухоро амирлиги), халфа (Хива хонлиги) ва яллачи (Фаргона водийсида) деб юритилган аёл санъаткорлардан иборат ихчам тўдаларнинг театрлашган дастурларида ривожланиб, ичка-

риларда уюштирилди-ган эиёфат ва базмларда кўрсатиб келинган.

Мазкур йўналиш ҳар бир даврда бир неча тарихий босқични босиб ўтиб, ўз шаклу шамоили, мазмунига эга бўлиб борди. Бир қатор давлат ва халқ рақслари жамоалари жаҳонга танилган.

Хозирги кунда Ўзбекистон ҳудудида 5 та рақс мактаби мавжуд бўлиб, булар: Фаргона – Тошкент мактаби; Бухоро, Хоразм, Сурхон, Қорақалпоқ мактабларидир.

Биламизки, ўтмиш ва бугунги кунда маълум машҳур раққосаларни етиштирган рақс мактабларидан бири Фаргона рақс мактабидир. У ўзбек халқ рақс услубларидан бири ҳисобланади.

Қадди қоматини эркин тутиш, енгил ва ифодали юришлар, кўп қиррали, пухта ишланган ва аниқ маъноларга эга қўл, билак, бармоқ ҳаракатлари, ниғоҳлар, нафис бош ҳаракатлари Фаргона рақсининг асосини ташкил этади. Водий аёллари рақсларида маънос ва вазмин, қўл ва оёқларнинг осойишга, сокинликка мойил ҳаракатлари кенг тарқалган.

Эрақлар рақсида эса мардонавор ҳаракатлар, айланишлар етакчилик қилган. Шунингдек, Фаргона рақсида уфоларнинг аҳамияти катта. Асосан, майдонларга мўлжалланган водий рақси “Катта ўйин”, меҳмонхоналар ва ховлиларда ижро этиладиган “Майда ўйин” туркум рақсларидан ташкил топган. “Катта ўйин” да рақс воситалари билан бирга сюжетли воқеалар акс эттирилиб, 280 усулни ўз ичига олган. Муайян рақс шакли ва ҳаракатларини ҳосил қилувчи рез, титратма, шох, гул ўйин, йўрға, сарбози, чарх, хаққони, ором, жилвони, сахта, дучоба, роғ

катта само, яллама, қайтарма, дупоя (оксатма), олма, анор каби бизгача етиб келган усуллар шулар жумласидандир. Улар асосан доираларда (баъзан ноғоралар қўшилган) чертилган ва шунга мос рақслар гоҳ бир киши, гоҳ гуруҳ ўйинчилар томонидан бажарилган.

“Майда ўйин” эса ялла ва лапарлар жўрлигида ижро этиладиган лирик ҳамда кулгили тақлидий рақслардан ташкил топиб, доира, дутор ҳам-оҳанглигида хаваскор ва профессионал ўйинчилар томонидан ижро этилган.

Фаргона рақсида яллачи аёл ижрочиларининг рақслари, жумладан, “Тановор” рақс туркуми, шунингдек, уйғур рақси таъсирида вужудга келган “Андижон сиймоси” (“Андижон полькаси” номини олган) йигитлар рақси алоҳида ажралиб туради.

Раққослар либослари рақс мазмунини кучайтирган. Эрақлар сурп ва беқасамдан тикилган яткак ва камзулар, шойи шолворлар, белбоғ ва дўппилар, ўткир учли махсус рангдор этиклар (моқкидан), аёллар хонатлас, олача қўйлақлар, нимчалар, лозимлар, қовуш-маҳсиллар, рўмол дурралар, хилма-хил тақинчоқлардан фойдаланганлар.

XX аср бошида Уста Мухаммадҷон, Ҳамдамҳон, Солиҳ хожи Баратов, Отаҳўжа Саидзимов, Юсуфҷон қизик Шакарҷонов, Маҳкам ҳофиз, Камоллаҳон Мухаммадҷонова, Назирҳон Қўнтак бачча, Адолҳон, Шарофат сатанг сингари моҳир раққос ва раққослар фаолият кўрсатган. Фаргона рақсини саҳнага олиб чиқиб, уни янада ривожлантириш ва бойитишда Уста Олим Комилов, Тамараҳоним, Муқаррама Турғунбоева, Розия Қаримова, Гавҳар Раҳимова, Кундуз Мирқаримова, Дилафрўз Жабборова, Қизларҳон Дўстмуҳаммадова, Маъмура Эргашева ва бошқаларнинг хизмати катта.

Бугунги кунда миллий рақс санъатини янги замон талаблари асосида ривожлантириш, унинг тури йўналиш ва намуналарини қайта тиклаш, асраб-авайлаш ҳамда келажак авлодга етказиш муҳим вазифалардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан қабул қилинган маданият ва санъат ривожига доир



фармону қарорлар соҳа вакиллари чин маънода руҳлантириб, зиммаларидаги вазифаларни чуқур

Фаргона ихтисослаштирилган санъат мактабини тамомлаган. 2019 йилда рақс бўйича ўтказилган “Ёш ижрочилар” кўрик-танловига республика бўйича фахрли 1-ўринни эгаллаган. Имтиёзли равишда Ўзбекистон давлат хореография академиясига қабул қилинган. Бугунги кунда таниқли раққоса сифатида нуфузли тадбирларда қатнашиб келмоқда.

Гулбаҳор Шаропова ҳам фаргоналиклар фаҳри. У Фаргона давлат санъат билим юрти, Фаргона давлат университетининг музикаий таълим йўналишини тамомлаган. 20 йилдан ортиқ Фаргона шаҳридаги 1-маданият уйида хореографиядан дарс берган. Унинг “Кичиктой”, “Тўзал” номли

англашга туртки бўлди.

Жумладан, Фаргона вилоятида ҳам рақс санъатига катта эътибор қаратила бошланди. Вилоятдаги 80дан ортиқ маданият марказларида “Рақс” тўғарақлари, 30дан зиёд болалар музика ва санъат мактабларида рақснинг “Хореография” йўналишлари фаолияти кучайтирилди. Уларнинг ҳар бири ёш авлодга миллий ва жаҳон рақс санъати сирларини ўргатиб келмоқда. Бундан ташқари,



ўқувчиларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш мақсадида ҳар бир ўқув муассасаларида рақс тўғарақлари ҳам йўлга қўйилган.

Фаргона ихтисослаштирилган санъат мактаби ҳам санъат соҳасидаги кўзга қўринган ўқув муассасаларидан бири ҳисобланади. У республикага кўплаб таниқли санъаткорларни етиштирган даргоҳлардандир. Кўплаб танловлар ғолиблари, таниқли раққосалар ва моҳир педагоглар айнан шу мактабнинг хореография бўлимида тахсил олишган. Вилоятни бутун республикага танитган бугунги кундаги раққосалардан бири Сехриё Мирзаевадир.

У кейинчалик Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий таълим мактабини тугатган. “Ниҳол” муқофоти совриндори бўлган. 1998 йилдан буён кўплаб танловларда ғолибликни қўлга келмоқда. 2011 йилда ўтказилган “Ёш ижрочилар” кўриктанловига республика бўйича фахрли 1-ўринни эгаллаган. Бугунги кунда “Ўзбекистон” рақс ансамблида фаолият олиб бормоқда.

Дилбарҳон Комилҷонова ҳам

рақс гуруҳлари бир неча бор халқаро танловларда ғолиб бўлган. Гулбаҳор Шаропова Президентимиз томонидан Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги ҳамда Конституцияимизнинг 25 йиллиги байрамлари арафасида кўкрак нишонлари билан тақдирланган. У бугунги кунда Фаргона шаҳридаги 4-болалар музика ва санъати мактабида рақс йўналишидан дарс бериб, ўқувчилари вилоятда бўлиб ўтаётган нуфузли байрам ва тадбирларда фаол қатнашиб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, кўп асрлик ва бетакрор маданиятимизнинг ажралмас қисми бўлган миллий рақс санъатимиз – халқимиз маънавияти, бадиий эстетик қарашларини юксалтиришда, ёш авлодни миллий қадрият ва анъаналаримизга, Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутади. Миллий қадриятларимизга, миллий рақс санъатимизга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш эса бугунги ёшларнинг бурчи ҳисобланади.

Д.ҲАСАНБОЕВА,

Фаргона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи



Тадбир

“Орзулар сари илк қадам”



Маданият вазири Озодбек Назарбеков Самарқанд вилоятига ташрифи давомида худуддаги бир неча маданият ва санъат муассасаларида бўлиб, жойлардаги аҳволларни ўрганиб, масъулларга тегишлича топшириқлар, таклиф ва фикрлар бериб қайтганди.

Шу муносабат билан жорий йил 27 апрель куни Самарқанд ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатининг

тасвирий-амалий санъат ҳамда musiqa бўлими ўқитувчи ва ўқувчилари 23-болалар musiqa ва санъат мактабда ўтказилган “Орзулар сари илк қадам” номли тадбирда фаол иштирок этиб, ўз ижодларини намойиш қилишди.

Айниқса, кўргазмали чиқишларга бой, шунингдек, ўша жойнинг ўзида санъат намуналарини яшаш каби кизиқарли лойиҳалар ёшларда ўзгача

таассурот уйғотди.

Мактаб-интернатининг олий тоифали мутахассислари эса ижодкор ёшларга маҳорат дарслари ўтиб, уларнинг кўникмаларини оширишди. Жонли ижрода ташкил этилган концерт дастурлари ҳам барчада катта кизиқиш уйғотиб, олқишлар билан қарши олинди.

Сўнмас ижод

“Муҳаммад Юсуф показа инсон эди. У одамларнинг эсини оғдирган, ўйлатган, кўлдирган, йиғлатган, топган-тутганини одамлар устидан сочган сахийлик тимсоли эди”.

Саид Аҳмад,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ ёзувчиси

Муҳаммад Юсуф – ўзбек шеърятининг ёрқин юлдузи



Муҳаббат куйчиси, ўзбегимнинг содда ижодкори, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф киска умр кўрди. Лекин ундан қолган шеърят бизларга ва келажак авлодга ватанни севиш, уни асраб-авайлашда ибрат бўлмоқда. 26 апрель шоир таваллуд топган кун. Агар ҳаёт бўлганида 67 баҳорни қаршилар эди... Бугун нафақат Богогимизнинг, балки республикамизнинг барча илм масканлари ва маърифат даргоҳларида шоир ижодига бағишланган шеърят кечалари ўтказилмоқда.

Шу муносабат билан Богот туман маданият бўлими, кўзи ожизлар кутубхонаси ҳамда Ахборот-кутубхона маркази билан ҳамкорликда шоир таваллудининг 67 йиллиги муносабати билан “Муҳаммад Юсуф – ўзбек шеърятининг ёрқин юлдузи” деб номланган шеърят кечаси ташкил қилинди. Унга тумандаги 9-, 36-, 48-мактаб ўқувчилари таклиф этилди.

Кечада Богот маданият маркази қошидаги “Аму соҳили” халқ ҳаваскорлик жамоаси раҳбари, 1989 йил ёшлар мукофоти совриндори бўлган устоз санъаткор Абдулла Тиллаев Муҳаммад Юсуф билан боғлиқ хотиралари билан ўртоқлашди. 1989 йилда ташкил қилинган таниқли санъаткорлар, шоирлар ва ёзувчилардан иборат тарғибот гуруҳи бир ой давомида республикамизнинг бир қатор жойларида ижодий сафарда бўлиб, ўз санъатларини намойиш қилишган. Улар орасида Абдулла ака ҳам иштирок этганини, шоир Муҳаммад Юсуф билан бир ой давомида бирга сафарда бўлиб, юзма-юз гаплашганини, унинг “Уялма ёр, уялма”, “Ватан, ягонасан” номли шеърларига ўша пайтда musiqa ёзиб, тадбирларда ижро қилганини айтиб берди.

Шундан кейин тадбир иштирокчилари шоир ҳаёти ва ижоди билан қисқача таништирилди. 48-мактаб ўқувчилари томонидан шоирнинг она ватан, меҳр-муҳаббат, ўзбек халқини улуғловчи шеърларидан намуналар ўқилди. 9-мактаб ўқувчилари эса шоирнинг “Ватаним”, “Ватан, ягонасан”, “Халқ бўл, элим”, “Меҳр қолур”, “Биз бахтли бўламиз”, “Қалдирғоч” шеърларини маромига етказиб айтиб, кўшиқларига рақслар ижро қилишди. Айниқса, 48-мактаб ўқувчиларининг шоир қаламига мансуб “Қора кўёш” достони асосида сахналаштирилган чиқиши барчада катта таассурот қолдиради.




Албатта, битта тадбир доирасида шоир шеърятини тўлалигича ёритиб бўлмайди. Лекин ўзбегимнинг эрка ижодкори шеърлари кириб бормаган, уларни ёд олмаган, кўшиқларини хиргойи қилмаган юртдошимиз бўлмаса керак. Шунинг учун ҳам шоиримиз ҳаммаша биз билан, халқимиз билан бирга, китобхонлар қалбда, санъаткорлар созида яшайверади.

Замира ОТАЖОНОВА,

Богот туман кўзи ожизлар кутубхонаси мудириси

Мозийга назар



Қадимий Косон ва Муғ қалъаси



Қадимий Косон нафақат Фарғона водийси, балки Марказий Осиёда ҳам кўҳна маданияти, халқ хунармандчилиги билан машҳур шаҳарлардан биридир.

Ўрта асрларда яшаб ижод қилган тарихшунос олимлар – Яъқубийнинг “Китоб-ул-булдон”, Ал-Мақсадийнинг “Ахсан-уттақосим” асарларида ҳамда хитойлик олим ва сайёҳ Чжан Цян ёзиб қолдирган эсдаликларда Қадимий Косон шаҳри эразмиздан олдинги V асрда тиклангани ва ўша даврдаги Даван (Фарғона) давлатининг марказий шаҳарларидан бири сифатида раванқ топгани айтилади.

Кейинчалик Косон шаҳридаги эски қалъа ва Муғ қалъаси қолдиқларида тадқиқот ўтказган археолог ва тарихшунос олимлар эразмиздан олдинги даврга мансуб қимматли маълумот ва ашёвий далиллари топиб, ўз асарларида Қадимий Косон шаҳри даванлар ва қушониёлар даврида туллаб-яшнаганлигини таъкидлашган. Айни пайтда шаҳарнинг ташкил топганига 2400 йилдан зиёд вақт ўтганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Қадимий ривоят ва илмий манбаларга таянилганда, шаҳар икки қисмдан: биринчи қалъа ҳамда ундан икки километр шимолда жойлашган Муғ қалъасидан иборат бўлгани аниқлашди.

Қадимий Косон шаҳри бир муддат қушониёлар империясининг қудратли пойтахти бўлгани ҳақида хитой манбаларида ҳам келтирилган. Худди шу даврда Косон сой шаҳри гуркираб ривожлангани айтилган. Маълумотларга кўра, шаҳарда аёёнлар, аслзодаларнинг ҳашаматли уйлари, савдо расталари, бозорлар мавжуд бўлиб, хунармандчилик ривожланган. Олтин ва кумуш тангалар зарб этилган.

Археолог ва тарихчилар олиб борган тадқиқотларга кўра, милoddан ав-

валги I аср ўрталарида Фарғонанинг сиёсий ҳаётида жиддий ўзгаришлар юз берган. Ҳокимият келиб чиқиши кўчманчи бўлган Юечжи қабиалари қўлига ўтган. Улар Қадимий Косоннинг хозирда харобага айланган Муғ қалъаси ўрнида янги сиёсий қароргоҳини қурганлар. Мазкур янги давлат пойтахти Хитой манбаларида Гуйшуань деб аталган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Косон шаҳрига қуйдагича таъриф берган: “Яна бири Косондур, Ахсининг шимолида тушубтур. Кичикроқ қасабалар. Нечукким, Андижон суйи ўшдан келур, Акси суйи Косондин келур. Яхши ҳаволик ердур. Сафолик боғчалари бор. Вале сафолик боғчалари тамом сой ёқасида воқеъ бўлгон учун, “пўстини пеш барра”. Сафо ва хавода ўш била Косон элининг таассуби бор”. Ўша даврларда Косон Фарғонадаги мавжуд 8 шаҳарнинг бири эди.

Мазкур кўҳна диёр Мавлоно Алоуддин Абубакр ибн Масъуди Косоний, Саййид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Маҳдуми Аъзам Косоний каби алломалар, Муҳаммадшариф Узлат Косоний, Муҳаммад Аминхўжа Косоний, Муртазо Косоний сингари таниқли ғазалнавис шоирлар, Муҳаммад ибн Вали каби машҳур тарихчиларнинг ота макони ҳисобланади.

Қадимий Косоннинг бугунгача хароба шаклида сақланиб келинаётган Муғ қалъаси (“Муғтепа”, “Муғ кўрғон”) хозирда археологик ёдгорлик бўлиб, Наманган вилоятининг Косон сой шаҳри яқинида жойлашган.

Қалъа икки қисм – арк ва шаҳристондан иборат. Ҳар икки қисм кузатув миноралари бўлган мудофаа девори билан ўралган. Арк шаҳристоннинг жанубий-ғарбий томонида, Косон сой дарёсининг тик ён-бағрида жойлашган. Ундан милoddий аср бошлари ва ўрта асрларга оид ёдгорликлар топи-

ган. Тарихий манбаларга кўра, аркда кўёш ибодатхонаси мавжуд бўлган. Шаҳристоннинг ёзишча, ушбу ибодатхона халифа Муътазим даврида (833 – 842 йилларда) бузилган. 1983 йилдаги тадқиқотларга кўра, шаҳристондан илк ўрта асрларга оид археологик мажмуа топилган. Маълумотларда келтирилишича, шаҳристон душмандан усталлик билан ҳимоя қилинган: душман ҳужуми кутиладиган томон қўшимча девор билан мустаҳкамланган. Бу ҳолат ганим ҳужумини ҳар икки мудофаа деворидан туриб қайтариш имконини берган. Чунки шаҳар дарвозаси шу ерда жойлашган бўлиб, душман дарвозадан кирган тақдирда ҳам ичкарига ўта олмаслиги ва ўзига хос “қопқон”га тушганлиги ёзилган.

Кўрғоннинг алоҳида дарвозаси бўлган. Муғ қалъасининг кўрғон қисми арк ва шаҳристондан кейин қурилган. Ундан нотинч даврларда ўзига хос панагоҳ сифатида фойдаланганлар. Тарихда Муғ қалъаси Фарғонанинг “харбий пойтахти” ҳисобланган.

Фарғона водийсида бундай тарихий шаҳристон ёдгорликлар, харобалар сони жуда кўп. Уларнинг аксарияти ўрганилган ва ҳамон ўрганиб келинмоқда. Бу азиз масканлар ҳақида сўз борар экан, ўлкамиз нақадар буюк тарихга эга экани, бутун дунёга машҳур бўлганидан қалбларда фахр ҳисси уйғонади.

Бизнинг Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи экспозицияларида ҳам сайр мобайнида мана шундай қадимий шаҳар ва шаҳристонлару мазилгоҳлар, ёдгорликлару харобалар ҳақида сўз боради. У ерлардан топилган ноёб асори-атикалар эса томошабинларда ўзгача таассурот қолдиришмоқда.

Д.ҲАСАНБОВА,
музей ходими

Танлов

“Санъатим – келажагим”



Ўзбекистон Республикаси Президентининг томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида белгилаб берилган 5та муҳим ташаббус ижроси ҳамда маданият марказларига ёшларни кенг жалб этиш, мавжуд ижодий тўғарақлар фаолиятини ривожлантириш, истеъдодларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2021 йил 27 апрель куни Фориш туман маданият марказида “Санъатим – келажагим” номли ижодий тўғарақлар кўриктанловининг туман босқичи ташкил этилди.

Унда 13 ёшдан 30 ёшгача бўлган анъанавий хонандлик, эстрада, муסיқа, рақс ижрочилиги бўйича 42 нафар тўғарақ иштирокчилари ўз истеъдодларини намойиш қилдилар. Танлов якунида ҳакамлар хайъати қарорига кўра, анъанавий хонандлик бўйича Богдон маданият марказида ташкил этилган “Анъанавий хонандлик” тўғараги жамоаси, эстрада ижрочилиги бўйича “Тоғ шалласи” ашчула ва рақс халқ ансамбли ҳаваскори Махдиё Тожибоева, муסיқа йўналишида “Қонун тўғараги” иштирокчиси

Хумора Ақромова, рақс ижрочилигида “Бойчек” болалар рақс жамоаси ғолибликка муносиб деб топилди.

Ғолиб ва фаол иштирокчилар туман маданият бўлимининг дипломи ва фахрий ёрликлари билан тақдирланишди.

Танлов жараёнида “Хайкалтарошлик”, “Флористика” тўғарақлари ва маданият маркази кутубхонасининг китоб кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Л.ҲАКИМОВА,
Маданият маркази мутахассиси

Эътибор

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 май куни “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эълон қилиниши юртимиз маданий ҳаётида улкан ва оламшумул воқеа бўлди.

Навқирон авлод тарбияси йўлида



Фармонда белгиланганидек, санъат ва маданият йўналишидаги янги олий ва ўрта-махсус ўқув даргоҳларининг ташкил этилиши, ноталар тўпламлари ҳамда махсус муסיқий адабиётларнинг давлат бюджетлари маблағлари ҳисобидан чоп этилиши, таълим муассасаларига тўлиқ етказилиши, санъаткор, ижодкор ва ижрочиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш палатаси ташкил этилиши, концерт-томоша фаолияти, ўтказилаётган маданий тадбирларни тартибга солиш ва сифатини ошириш каби бир қатор чора-тадбирларнинг амалга оширилиши нафақат мамлакатимиз маданий ҳаётини ривожлантиришга, балки халқимиз санъати ва маданиятининг янада равнак топишига туртки бўлиши шубҳасиз.

Халқимиз ҳаётида санъат ва маданиятнинг ўрни бекиёс. Ёш, навқирон авлодимиз юксак маънавий руҳида камол топишида ҳам юртидагиларнинг ўрни муҳим. Шунингдек, санъат ва маданият йўналишидаги ўқув даргоҳлари ва уларда меҳнат қилаётган педагог ходимлар фаолияти катта эътиборга лойиқ. Бундай даргоҳлардан бири – бағридан минглаб санъаткор ва маданият ходимларини етиштириб чиқарган Фарғона ихтисослаштирилган санъат мактабидир.

Элимизга машҳур бўлган қанчадан-қанча санъаткорлар, хориж давлатларида ўз санъати билан довруқ қозонган бир талай ижодкорлар шу мактаб битирувчиларидир. Мазкур даргоҳ республикамизнинг муסיқий таълим тизимида ўз ўрнига эга бўлиб, ўткан йиллар мобайнида қўллаб-қалқаро ва республика танловлари ғолибларини – “Нихол”, “Зулфия” каби давлат мукофотлари соҳиб ва соҳибаларини тарбиялаб етиштирди. Мактаб жамоасининг муסיқий театр, рақс ва таъсирий санъатни тарғиб қилиш борасидаги фаолияти ҳам катта эътиборга лойиқ.

Ташкил этилган йилданоқ мактаб нафақат ўқув даргоҳи, балки санъат ва маданият ютуқларини тарғиб қилувчи муассаса вазифасини ҳам ўтади. Олтин тўрт йиллик тарихи ва бугунги кунда ҳам бутун вилоят маданий ҳаётида салмоқли ўрин эгаллаб келмоқда.

Ўқув даргоҳининг шундай катта ютуқларга эришишига фидокорона меҳнат билан катта ҳисса қўшган устоз-мураббийлар, айна дамда санъат ва маданият ходимлари ҳақида гапириб ўтиш, марҳум бўлганларини ёдга олиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, “Халқ маориф аълочиси”, “Хурмат белгиси” ордени, “Шуҳрат”, “Фронт ортида ишлагани

учун” медаллари нишондори Ҳақима Максумова мазкур ўқув даргоҳининг асосчиси ва биринчи директоридир. Бу лавозимда 30 йил самарали меҳнат қилди. Вилоятимизнинг кўп сонли санъат аҳли у кишини устоз сифатида эъзозлаб ёдга олишди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, “Халқ маориф аълочиси”, дирижёр марҳум Йўлдош Эргашев номи вилоят аҳлига яхши таниш. Устоз кўп йиллик дирижёрлик ва 45 йиллик педагогик фаолияти давомида дамла ва зарбли созлар оркестри муסיқасини тарғиб қилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли санъаткор ва ижодкор, марҳум Раҳмиддин Қипчақов бутун куч-гайратини ёш авлодга билим бериш ва тарбиялаш ишига бағишлади. Ўзбек халқ чолғу созларининг моҳир дирижери сифатида 60 дан ортқ куйларимизни оркестр ижросига мослади. Хозирги кунда бу асарлар бутун мамлакатимиз бўйлаб ижро этилмоқда ва ўқув юртларида ўқув дастури сифатида фойдаланилмоқда.

34 йилдан бери ўқув даргоҳи директори лавозимда ишлаб келаятган мактабнинг хозирги раҳбари Юсуф Ғофурбеков номи жонқуяр устоз ва фидокор маданият ва санъат ходими сифатида бутун вилоят халқига яхши таниш. Унинг раҳбарлигида мактаб жамоаси катта ютуқларга эришди. Меҳнат ва ўқиш шароитлари тубдан яхшиланди. Шунингдек, жуда аҳил ва юқори салоҳиятга эга санъаткор-педагоглар жамоасини шакллантирди. Таълим-тарбия ишларининг тўғри йўлга қўйилганлиги барча эришилган муваффақиятлари гарови бўлди. Самарали ва фидокорона меҳнати учун Ю.Ғофурбеков қўллаб-қалқарий ёрликлар, жумладан, 2006 йилда “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги 15 йил”, 2016 йилда “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги 25 йил” кўкрак нишонлари билан тақдирланган.

Фарғона ихтисослаштирилган санъат мактаби жамоасида номлари тилга олинган устозлар каби ўз истеъдоди, билими ва маҳорати, фидокорона меҳнати билан жамиятимиз маънавий тараққиётига ҳисса қўшиб келаятган мутахассислар кўп. Афсуски, бу санъат ва маданият ходимлари ҳақида битта мақолада гапириб ўтишнинг имкони йўқ. Уларнинг вилоятимиз санъати ва маданиятини юксалтиришга қўшаётган ҳиссалари билан бирга таълимни ривожлантириш борасидаги хизматлари ҳам бекиёсдир.

Бахтиёр ЁҚУБОВ,
Фарғона ихтисослаштирилган санъат мактаби ўқитувчиси

Эълон!

Янги танлов

Маданият вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 августдаги ПҚ-3201-сонли қарори, 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 январдаги 9-сонли қарори ва 2020 йил 10 июлдаги 433-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида

“Тарихий, замонавий драматик, муסיқали драма ва кўғирчоқ пьесалари танлови”ни эълон қилади.

Танловга тақдим қилинадиган тарихий, замонавий драматик, муסיқали драма ва кўғирчоқ пьесалари куйидаги йўналиш ва мавзуларда:

- буюк шахслар, тарихий шахслар ҳаёти ва фаолияти ёритилган;
- аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этувчи бадиий-ғоявий баркамол саҳна асарлари;
- фавқуллодда ҳолатларда инсонийлик жасорати ва фидойилик намуналарини кўрсатган замонамиз қаҳрамонлари;
- олимлар, ҳарбийлар, ички ишлар, санъаткорлар, шифокорлар, ўқитувчилар, спортчилар, қурувчилар, ёш иштирокчилар;
- саховатпеша тадбиркорлар, фермерлар, деҳқонлар, чўпонлар;
- диний экстремизм, одам савдоси, миграция, гастербайтерлик, ОИТС;
- бугунги кун муаммолари ва ютуқлари, жамият ҳаётидаги ўзгаришлар акс этган давримизнинг илғор аёллари ҳаёти акс этган, миллатлараро бағрикенглик, ватанпарварлик, миллий ва умумбашарий қадриятларга хурмат-эҳтиром туйғуларини шакллантириш, соғлом-турмуш тарзини тарғиб қилиш, она ватанни кенг ўрганишга ва сайёҳларни жалб қилишга йўналтирилган, инсонпарварлик ғояларини ўзида мужассам этган, ёшларга ибрат бўладиган тарихий, замонавий драматик, муסיқали драма ва кўғирчоқ пьесалари бўлиши зарур.

Асарлар Маданият вазирлиги Театр ва цирк санъатини ривожлантириш бошқармасига ариза орқали тақдим этилади.

Тақдим этиладиган асар ўзбек тилида, 2 нусхада (электрон варианты билан), компьютерда А4 форматда, 1,5 интервал, 14 шрифтда кўчирилган бўлиб, ҳажми – тарихий, замонавий драматик, муסיқали драмалар 30-35 саҳифадан, кўғирчоқ пьесалар эса 15 саҳифадан кам бўлмаслиги зарур. Танловда ёшидан қатъи назар, барча ижодкорлар драматургиянинг тарихий, замонавий драматик, муסיқали драма ва кўғирчоқ пьесалар билан иштирок этиши мумкин.

Асар белгиланган тартибда юборилмаса, мурожаатлар кўриб чиқилмайди. Тақдим қилинган асарлар муаллифларга қайтарилмайди.

Барча асарлар нуфузли хайъат аъзолари томонидан кўриб чиқилади. Танлов ғолиблари 4 та йўналиш (тарихий, замонавий драматик, муסיқали драма ва кўғирчоқ пьесалари) бўйича мукофотланади:

- 1-ўрин – энг кам иш ҳақининг 32 баробари;
- тарихий драмалар йўналиши бўйича (жами 1та),
- замонавий драматик асарлар йўналиши бўйича (жами 1та),
- муסיқали драма асарлари йўналиши бўйича жами 1та.

- 1-ўрин – энг кам иш ҳақининг 30 баробари;
- кўғирчоқ пьесалар йўналиши бўйича (жами 1та).

- 2-ўрин – энг кам иш ҳақининг 30 баробари;
- тарихий драмалар йўналиши бўйича (жами 1та),
- замонавий драматик асарлар йўналиши бўйича (жами 1та),
- муסיқали драма асарлари йўналиши бўйича жами 1та.

- 2-ўрин – энг кам иш ҳақининг 29 баробари;
- кўғирчоқ пьесалар йўналиши бўйича (жами 1та).

- 3-ўрин – энг кам иш ҳақининг 29 баробари;
- тарихий драмалар йўналиши бўйича (жами 1та),
- замонавий драматик асарлар йўналиши бўйича (жами 1та),
- муסיқали драма асарлари йўналиши бўйича жами 1та.

- 3-ўрин – энг кам иш ҳақининг 28,1 баробари;
- кўғирчоқ пьесалар йўналиши бўйича (жами 1та).

Танловга ижодий ишлар 2021 йилнинг 1 августига қадар қабул қилинади ва ғолиблар Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги байрами арафасида эълон қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т.Шевченко кўчаси, 1-уй.
Мурожаат учун: 256-85-28

Музыка оқшоми

Мукамал
ижро
намуналари

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси томонидан пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” халқаро форумлар саройида жаҳонда ном қозонган пианиночи, санъаткор Денис Мацуев иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

“Классика ва жаз” деб номланган ушбу концерт дастурида жаҳон композиторларининг асарлари янгради.

Россия Федерацияси халқ артисти, дунёвий миқёсда ном қозонган пианиночи Д.Мацуевнинг юксак ижро маҳорати, музыка замиридаги ғояни тингловчига етказиб бера олиш салоҳияти жаҳон шинавандалари томонидан юксак эътироф этилган. Унинг гоёт мукамал ижроси музыка санъати нечоғли улғуворлигини теран ҳис этишда муҳим аҳамият касб этади.

Эътиборга молик жиҳати, мазкур

концерт дастуридан бироз олдинроқ пианиночи Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ёшлари учун маҳорат дарсларини ўтган. Айни пайтда бир қатор ёшларимизга Денис Мацуевнинг махсус стипендияси ва Россиянинг “Янги номлар” хайрия фонди ижодий йўлланмаса топширилди. Пианиночи Ўзбекистонда ёш музикачиларни тайёрлашга оид яхши мактаб, педагоглар мавжуд эканини алоҳида таъкидлади.

Маънан бой, мунтазам кенгайиб борувчи маскан

Ўртимизда дастлабки музейларнинг вужудга келиши А.П.Федченко, В.Ф.Ошанин, В.В.Бартольд, И.В.Мушкетов каби тадқиқотчи олимлар номи билан боғлиқ. “Ўрта Осиё олимлар жамияти” каби илмий жамиятлар, олимлар ва маҳаллий аҳоли кўп йиллар мобайнида Туркистон ўлкаси табиати, нумизматикаси, минерологияси, этнографиясига оид коллекциялар билан ўз фондларини тўлдириб боришган. Вақт ўтиши айнан шу коллекциялар музейлар очилишида асосий рол ўйнайди.

Ўрта Осиёдаги биринчи музей

Ўрта Осиёдаги биринчи музей 1876 йил 9 январь кунини Тошкентда ташкил этилди. Лекин давлат томонидан бино берилмагани учун “Туркестанские ведомости” газетаси муҳаррири Н.А.Маев ўзининг ипакчилик мактабидан музей учун иккита хона ажратди. Кўп ўтмай музей Статистика бўлими ихтиёрига ўтказилди. Бино таъминоти учун йилгига Сирдарё вилояти харбий губернатори, генерал Н.Головачёв қарорига кўра, 300 сўм ажратилганидан ташқари, баъзи шахсларнинг моддий ёрдамлари ҳам келиб тушган. Н.А.Маевнинг ёзишичи, аслида музей фаолияти учун йилгига 1600 сўмлик маблағ талаб этилган.

1877 йилнинг январига келиб, музей этнография, ишлаб чиқариш технологияси, қишлоқ хўжалиги, табиат тарихи ва археология бўйича 1500дан ортиқ ашёларга, 800га яқин қадимий тангаларга эга бўлди. Шу билан бирга тез ривожланди. Ушандаёқ музейда этнография-техника, табиат, тарихий-археология, нумизматика, қишлоқ хўжалиги бўлимлари мавжуд эди.

Шунингдек, кўрғазмага қурол-яроғлар, музыка асбоблари коллекцияси, хунарманд тўқимачиларнинг ипак, жун, пахта толасидан тўқилган газламалари намуналари, Ҳисор олачаси, Қошғар бозорларида сотиладиган инглиз газламалари намуналари ҳам қўйилган бўлиб, ундан китобат ва ёзиш қуролларидан бошлаб, чинни, тунж, лойдан ишланган ҳайкалчалар, маҳаллий қоғоз ва ипак намуналари, заргарлик буюмлари, тумор каби диний тасаввурлар билан боғлиқ ашёлар ҳам ўрин олган эди.



Тез орада музей низоми ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Унда музейнинг вазифаси, иш кўлами белгилаб берилди. Дастлаб уни беш кишидан иборат назорат комитети бошқарди. Низомга мувофиқ музейга геология, ботаника, зоология, этнография, археология, нумизматика, саноат ва қишлоқ хўжалиги бўйича экспонатлар тўплаш ва сақлаш ҳукуқи берилди. Мазкур низомда: “Музей омманинг Ўрта Осиё ўлкаси билан танишуви ва тўпланган



материалларни олимлар ўз соҳалари бўйича ўрганишлари учун очилди”, – дейилган эди. Лекин музей бу талабга тўлиқ жавоб беролмасди, чунки экспонатларнинг бир-бирига алоқаси йўқ, алоҳида коллекциялардан иборат бўлган.

Олимлар фикрича, 1876 – 1880 йиллар Тошкент музейи фаолиятининг муҳим босқичи бўлди. Шу йилларда нумизматика, этнография бўлимлари бой коллекциялар билан тўлдирилди.

Кейинги йилларда ҳукмрон синф томонидан маданий муассасаларга нисбатан ҳам тақиб сиёсати қўлланилиб, Туркистон генерал-губернатори М.Г.Черняев (1882 – 1884) Фармонига биноан 1883 йили музей халқ кутубхонасига қўшиб юборилди. Асосий маблағ кутубхонага ажратилди.

Зарур маблағ ва шароитнинг етишмаслиги музей фонди материалларини таъмирлаш, паспортлаштириш имконини бермади. Зоология бўлимидаги қимматбаҳо коллекциялар барбод этилди. Турли хайвонларнинг хўл препаратларини сақлаб қолиш учун зарур бўлган спиртнинг йўқлиги туфайли бу коллекциядан 1883 йили воз кечилган тўғри келди.

Музей коллекцияларининг тез-тез кўчирилиши ҳамда ўғирланиши натижасида у жиддий зарар кўрса ҳам фидойилар саъй-ҳаракатлари туфайли фондлар доимий равишда бойитиб борилди. Тошкент музейи 1884 йилга келиб гербарий, нумизматика тўплами Самарқанд коллекцияларидан ташқари 3000та турли буюм-ашёларга эга эди. Орадан яна икки йил ўтиб, экспонатлар сони 4000дан ортиб кетди.

Музей қошида 1906 йили Назорат комитети қайтадан тузилди, кутубхона ва музей ишла-



рининг янги қонун-қоидалари тасдиқланди, бюджети бирмунча оширилди. Шу пайтдан эътиборан музей ва кутубхона учун бино қуриш масаласи кўтарилди.

Тошкент музейи бўлимларининг кенгайиши нотекис, жамғармаларнинг тўлдирилиши илмий асосиз давом этди. Шунга қарамаддан, музей тарихий бўлимининг кейинги тараққиётида 1885 йили тузилган археология ҳавасмандлари тўғрагининг фаолияти муҳим аҳамият касб этди. Тўғрақ ташкил этган археологик экспедицияларнинг дастлабки археология ва нумизматика материаллари 1899 йилдан музейга топширила бошланди.

Музейга император археология комиссияси Ўрта Осиё тарихига оид қатор қизиқарли ашёларни топширади. Хусусий коллекциялар орасида шарқшунос Е.Ф.Кальга тегишли сопол, металл буюм, танга-чақалар ҳам бўлган. Алоҳида шахслар ҳам турли идиш, танга, безаклар билан музей фондининг тўлиб боришига кўмаклашади. 1897 йилда археология ва нумизматика бўлимлари қазилмалардан топилган 1345 буюм ва 2017 дона тангага эга эди. Маҳаллий усталар томонидан топширилган асбоб-ускуна, чарм маҳсулотлари намуналари

этнография соҳасида алоҳида эътиборга молик бўлган. Лекин бионинг торлиги музейни қимматбаҳо экспонатлардан маҳрум этарди. Жумладан, 1900 йилги Сан-Луи кўрғазмаси учун тайёрланган этнография коллекцияси Тошкент музейи қабул қилолмади.

Вазиятни яхшилаш учун 1880 йилларнинг бошида экспонатлар рўйхатини тузиш ишлари бошланди. Е.Ф.Каль 1886 йили этнографик, нумизматика ва археологиянинг айрим ашёлари каталогини, Н.А.Маев 1889 йили зоология коллекцияси каталогини тайёрлади. Археологик материалларни рўйхатга олиш 1901 йили якунланди.

Музей моддий ҳолатининг ночорлиги коллекциялар йўқолиши, бўлимлар қисқаришига олиб келди. 1900 йилга келганда фақат этнография, археология ва нумизматика бўлимларигина фаолият кўрсатар эди.

Музейга келадиган томошабинлар сони йилдан-йилга ортиб борган. Хусусан, 1900 йили томошабинлар сони 5400 киши бўлса, 1908 йилга келиб – 10000, 1913 йили эса 37000 кишига етди. Бу борада энг муҳими музейга келувчиларнинг аксарият қисми маҳаллий аҳоли вакиллари эканлигини айтиш мумкин.

Тошкент музейининг муваффақиятли фаолияти Туркистон ўлкасидаги бошқа шаҳарларда ҳам музей ташкил этиш учун йўл очди. Бу борада 1896 йил 21 июлда Самарқанд шаҳрида, 1894 йил Фарғонада Россия қишлоқ хўжалиги ва давлат мулки вазири ташриф муносабати билан ташкил этилган саноат ва қишлоқ хўжалиги кўрғазмаси асосида 1895 йил Фарғона вилоятида, 1896 йил Нижний Новгородда ташкил этилган кўрғазма асосида 1899 йил Ашхобод музейи барпо қилинди.

Туркистон музейлари ўлка, умумроссия ва халқаро кўрғазмаларда иштирок этдилар. Хусусан, Тошкент музейи экспонатлари 1889 йилги Тошкент фотосуратлар кўрғазмасида, 1890 йили Туркистон қишлоқ хўжалиги кўрғазмасида намойиш қилинди. Бундан ташқари, музей ашёлари 1900 йили Париж халқаро кўрғазмасида ва 1906 йили Италияда ташкил этилган Милан кўрғазмасида ҳам намойиш этилган.

Исломжон КАРИМОВ,
Наманган вилоят тарихи
ва маданияти давлат музейи
илмий ходими

МАДАНИЯТ ОВУНА ИНДЕКСИ: 285

МУАССИС:
“Dildosh media” МЧЖ,
ҳамкор:
Ўзбекистон
Республикаси
Маданият вазирилик

Бош муҳаррир
Дилбаҳор Худойбердиева

Тахририят манзили:
100029, Тошкент шаҳри, Тарас
Шевченко кўчаси, 1.
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба кунини чоп этилади.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан
10.04.2018 й. 0803 рақами
билан давлат
рўйхатидан ўтказилган.

Тахририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайдиган ва ёзма жавоб берилмайдиган. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри тахририят фикридан фарқлиниши мумкин. “Маданият” материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Нашр учун масъул: Ш.Исроилова
Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева
Навбатчи: Н. Содикова
Адади - 7747 Буюртма - Г - 417
Сотувда келишилган нархда
Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табак

Газета “Шарқ” нашриёт-
матбаа акциядорлик компани-
ясида босмаҳонасида
чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41.
Босмаҳонага топшириш
вақти - 00.30
Топширилди - 00.10
1 2 3 4 6